

Итоатнинг олий мукофоти



16:00 / 20.03.2020 3163

Абу Барза розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Жулайбиб ансорлардан кичик жуссали, уй-жой ва мол-мулки йўқ камбағал бир киши эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан биронтасида турмушга чиқадиган аёл бўлса, бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга билдириб, у зотнинг унга ҳожати бор ёки йўқлигини билмасдан олдин турмушга бермас эди.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ансорлардан бир кишига: «Қизингни менга турмушга бергин», дедилар.

У: «Жоним сизга фидо, бу билан бошимиз осмонга етади», деди.

Шунда у зот: «Мен уни ўзим учун сўрамаяпман», дедилар.

Ҳалиги киши: «У ҳолда кимга?», деди.

Расулуллоҳ: «Жулайбибга», дедилар.

У: «Онаси билан маслаҳат қилиб кўрай», деди.

У киши хотинининг олдига бориб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қизингга совчи бўляптилар», деди.

Онаси: «Қандай ҳам яхши, бу билан бошимиз осмонга етади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга (қизимизни) турмушга беринг», деди.

У киши: «У зот қизимизни ўзларига сўрамаяптилар», деди.

Хотини: «Ундей бўлса, кимга?», деди.

У киши: «Жулайбибга», деди.

Хотини: «Шўрим қурсин, Жулайбибами? Асло, Жулайбибга асло. Йўқ, Аллоҳга қасамки, Жулайбибга бермаймиз», деди.

Қизнинг отаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бориб, бу гапни айтиш учун ўрнидан турганида, қиз чодирида онасиға: «Менга ким совчи қўйибди?», деди.

Онаси: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам», деди.

Шунда қиз: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларини қайтарасизларми?! Мени Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга топширинг, чунки у зот мени зое қилмайдилар», деди.

Отаси Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдига келиб: «Қизимни сизнинг ихтиёрингизга топширдим», деди.

У зот қизни Жулайбибга турмушга бердилар. (Бошқа бир ривоятда: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у аёлга: «Эй Аллоҳ, унга хайрбарака ёғдир! Унинг ҳаётини оғир ва машаққатли қилма!» деб дуо қилдилар).

Ғазотларидан бирида Аллоҳ таборака ва таоло Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга (баъзи нарсаларни) ўлжади қилиб берган эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирон кимсани қидиряпсизларми?» дедилар.

Улар: «Фалончи ва фалончиларни қидиряпмиз», дейишди.

У зот: «Мен эса Жулайбибни қидиряпман. Уни ўликлар орасидан қараб кўринг», дедилар. Улар қараб, етти киши ўлдирган, сўнг ўзи ҳам уларнинг ёнида жонсиз ётган ҳолатда ётган Жулайбибни топишиди.

Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб: «У етти кишини ўлдирган эди, сўнг улар ҳам буни ўлдиришди. Бу мендандир, мен эса унданман», дедилар.

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўзларининг икки муборак билакларига қўйиб кўтардилар. Унинг тобути Расулуллоҳ

соллаллоху алайҳи васалламнинг икки билакларидан бошқа нарса эмас эди. Қабр кавлангач, у зот ўз қўллари билан уни лаҳадга қўйдилар.

Собит раҳматуллоҳи алайҳи Жулайбибнинг аёли ҳақида: «Ансорлар орасида ундан кўра бадавлатроқ бева аёл йўқ эди», деган (*Аҳмад ривояти*).

Юқоридаги ҳадисдан қўйидаги фойдалар олинади:

- Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларга меҳрибонликлари. У зот соллаллоху алайҳи васаллам саҳобаларнинг ишларида ўзлари бевосита иштирок этиб, уларнинг яхши-ёмон кунларида шодлик ва қайғуларига шерик бўлишлари ҳамда муаммоларини бирга ҳал қилишлари;
- Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг мезонида инсоннинг қадри – унинг иймони, тақвоси, солиҳ амали ҳамда дини учун қилган фидокорлиги билан ўлчаниши. Бунда унинг камбағаллиги, жисмонан кўримсиз бўлиши, насиби пастроқ бўлишининг аҳамияти йўқлиги;
- Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг сўзларини рад қилиш мумкин эмаслиги. Қуръони Каримда бу ҳақда: **«Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишга ҳукм қилганида ҳеч бир мўмин ва мўмина учун (уни бажариш ёки бажармаслик) ишларида ихтиёр бўлиши мумкин эмасдир»** (*Аҳзоб сураси, 36-оят*) дейилган.
- Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг дуоларининг баракаси.

"Ҳилол" журналиниң 8-сонидан

Қудратуллоҳ тайёrlади